

Асқар ИСМОИЛОВ

СЕНГА БАҒИШЛАЙМАН БОРИМНИ, ВАТАН

MAJBURIY NUSXA

Қарши
«Насаф» нашриёти
2013

84(59)7- Ғ38. 0808.

УЎК Ғ3.2

КБК 84(5936)-3

И 81

Асқар Исмоилов машқларида ҳақиқий шеърят учун интилиш, сўз сеҳрини ҳис этиш анчайин сезилиб туради.

Энг асосийси, у шеърятни ўзининг дилкаш суҳбатдоши, ҳаммаслаги деб билади.


Унинг келажакдаги ижодига омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин деймиз.

Ю 41933
0

И $\frac{4702620201-75}{376(09)2013}$ 75-2013 © А. Исмоилов, 2013 йил.

© “Насаф” нашриёти, 2013 йил.

ISBN 978-9943-18-170-0



ФАРЗАНДИМ ДЕЯ КУТГАН ВАТАНИМ

Дунё ҳавас қилган, жамолларингга,
Тошканду, Марғилон томонларингга.
Тинчлик ярашган осмонларингга,
Байрогинг қўлимга тутган ватаним.
Фарзандим дея кутган ватаним!
Баҳорга боғланган тўртала фасл,
Боғларинг барқ ўриб гуллар муттасил.
Боболардан мерос маконим асл,
Буюк аждодларим ўтган ватаним.
Фарзандим дея кутган ватаним!
Юртбошим нурли йўлларга бошлар,
Ҳур ва озод яшар бутунги ёшлар.
Шаънингга шеър ёзиб куйлайди Асқар,
Пешонамга ўзинг битган ватаним.
Фарзандим дея кутган ватаним!

* * *

Қолди кўзим йўл термула,
Дилим орзуларга тўла.
Келгин энди қийнамагин,
Ёнимда сен ёрим бўла.
Борлиқ кутар баҳорини,
Қора тун ҳам наҳорини.
Мажнун мисол ошиқ дилим,
Истар ёрим висолини.
Бешафқатми фоний дунё,
Ўтиб кетар, умр дарё.
Дилга ёқар шарпалари,
Сен-ла майин оқар гўё.
Қафасида турган қушлар,
Сайрашиб кўнглини хушлар.
Айт қачон ўнгидан келар,
Бедор тунда кўрган тушлар.
Васли дийдорингга қонай,
Ширин ҳисларда тўлғонай.
Осуда оқшом оппоқ тонг,
Ёрим ёнингда уйғонай.

ХЎРАНДА НОЛАСИ

Жондан ортиқ суюшар,
Танга роҳат дейишар.
Туйгунича ейишар,
Овқатланиб олсайдим.
Оч юрмагин деб зинҳор,
Онам айтади такрор.
Ҳам қувватдир ҳам мадор,
Овқатланиб олсайдим.
Қорним очликка йўйиб,
Маза қилиб еб тўйиб.
Ортганин четга қўйиб,
Овқатланиб олсайдим.
Тайёр жойи қайда бор,
Лўқмасига бўлмай зор.
Оч қоринга бу шиор,
Тезроқ овқатлансайдим.
Дуо бўлиб қолмасдан,
Кўзим қараб толмасдан.
Дастурхонни олмасдан,
Овқатланиб олсайдим.

...

Наҳотки айрилдик иккимиз,
Юлдузсиз қолдику осмоним.
Етмайди самога зоримиз.
Муҳаббат бўлдингму армоним.
Кўзларим тўрт бўлди йўлингда,
Гулларим сўлдику қўлимда.
Хазонли муҳаббат дилимда,
Муҳаббат бўлдингку армоним.
Қалбимнинг мусаффо осмонин,
Армонли булутлар тўсдику.
Гулдайин орзулар бўстонин,
Армонли тиконлар ўсдику.

Фасллар алмашур бегумон,
Келарми истаган баҳорим.
Босилмас дилдаги хуморим,
Муҳаббат бўлдингку армоним.
Дунёлар тордайин бўлди-я,
Дилдаги умидим сўлди-я.
Ёлғизим армоним бўлди-я,
Муҳаббат бўлдингку армоним.

ҚАЙДАСАН, СИНФДОШ

Сен-ла ўтди оҳ ёшлик чоғи,
Дилда қолди армонли доғи,
Энди хаёл яқин йироғи,
Қайдасан, синфдош, қайларда,
Хонишмисан дардли найларда.

Мактабга боргандик етти ёш,
Ўргандик ёзишни ер, қуёш,
Соғинчингга етарми бардош,
Қайдасан, синфдош, қайларда,
Сарҳуш этар шароб майларда.

Оппоқ орзу тилак бокира,
Ёшлигимдан ширин хотира.
Унутолмам, унутмам сира,
Қайдасан, синфдош, қайларда,
Сен шўхлигинг тошқин сойларда.

Айланасан чархпалак гўё,
Англолмадим сирингни дунё.
Дийдормисан айрилиқми-ё,
Қайдасан, синфдош, қайларда,
Сен қалба, меҳри жойларда.

Эрталаб мактабга борсайдик,
Танаффус баралла айтсайдик,
Эҳ ўшал дамларга қайтсайдик,
Қайдасан, синфдош, қайларда,
Тимсолинг ёш авлод бўйларда.

Овворамиз ҳаёт ташвиши,
Қилиш керак тириклик иши,
Сенсан умрим баҳори қиши,
Қайдасан, синфдорш, кайларда,
Дийдоринг байраму тўйларда.

УЧРАТДИМУ СЕНИ ҚАЙДАН

Учратдиму сени қайдан,
Боғлаб қўйдинг мени қайдан.
Орзуйимга айландинг сен,
Кўнгил ўзай энди қайдан.

Бир боқишинг қилди хумор,
Ўтар мана тунлар бедор.
Яна насиб бўлармикан,
Мен ғарибга сенла дийдор.

Айтолмадим, айтолмадим,
Сенга дардим айтолмадим.
Сенга тортар хаёллардан,
Бир зум ортга қайтолмадим.

Сулув мисол қадам ташлаб,
Юрагимни эзиб ғашлаб.
Шўхликларинг кўз ўнгимда,
Қай азобга келдинг бошлаб,

Шодон ўзинг, шоддод ўзинг,
Бир ҳис ила чақнар кўзинг.
Қандоқ қилиб унутарман,
Эркаланиб айтган сўзинг.

Нозик кўнглинг хушлолмадим,
Хатто қўлинг ушлолмадим.
Ифор сочар ишқ богиға,
Кечир, сени бошлолмадим.

Кел ёнимга қучоқ очиб
Оғушимга ифор сочиб
Доғда қолиб аччиқ ҳижрон
Йироқларга кетсин қочиб

ОҲ ЁШЛИГИМ

Унутолмай эслайман ёшлик чоғларни,
Юрар эдим чангитиб кўча боғларни.
Ҳеч ўйламас эдим-а қайгу доғларни,
Оҳ ёшлигим, қайга кетдинг, қайларга кетдинг.

Кечагина беғубор ёш бола эдим,
Кўзим очиб юмгунча вояга етдим.
Тарк этган болаликка шу шеърим битдим,
Оҳ ёшлигим, қайга кетдинг, қайларга кетдинг!

Ёшлик даври кетаман деб айтмас экан,
Уйинқароқ кунларимиз қайтмас экан.
Қалбада чандиқ давоси йўқ битмас экан,
Оҳ ёшлигим, қайга кетдинг, қайларга кетдинг.

Бу даврнинг қадрига, айтинг ким етди,
Оқар дарё тўхтамасдан оқиб кетди.
Ўксиб, ўксиб армонда шеър, газал битди,
Оҳ ёшлигим, қайга кетдинг, қайларга кетдинг.

Ҳар бир дилда унутилмас армон экан,
Умр шундай деган хаёл дармон экан.
Билдим, ҳаёт бешафқат, ҳам ёмон экан,
Оҳ ёшлигим, қайга кетдинг, қайларга кетдинг.

ШОИР ДЕЯ ...

Ўзим овутарман Аллоҳ инъоми,
Тинч қўймаса нетай мисра илҳоми,
Шеър ёзмас эдим-а бўлса имкони,
Шоир дея мени масхара қилманг.

Бошқалардек дардсиз юра олмадим,
Бегамлар сафида тура олмадим,
Ўзимни қаламсиз кўра олмадим,
Шоир дея мени масхара қилманг.

Бу дунё сирлари ҳамиша пинҳон,
Тушуна олмайин куяр хонумон,
Орзуга армон юрар ёнма-ён,
Шоир дея мени масхара қилманг.

Меҳри ёқар шундай Она Ватаннинг,
Севги сеҳри ўртар яна бу танни,
Эъзозларман мени эъзозлаганни,
Ҳа шоир деб яна масхара қилманг.

Кимдир ҳавас қилар, ким эса ҳасад,
Баъзилар кулади не ўй не мақсад,
Юрибман суюниб, гоҳо куюниб,
Шоир дея мени масхара қилманг.

Осон тутманг менга шеър ёзиш оғир,
Эзилиб юрагим, қон бўлган бағир,
Баъзида кўзимдан ёғади ёмғир,
Шоир денг-у, лекин масхара қилманг.

ОНАЖОНИМГА

Мени бу дунёга келтирган инсон,
Улғайтиришга ҳам уринган шу он,
Машаққатли бу иш бўлмаган осон,
Онажоним, бахтимга бўлинг соғ омон.

Мен учун ўтказган бедор тунингиз,
Азоб - уқубатда ўтган кунингиз,
Эрта - кеч йўқолиб ҳаловатингиз,
Бешигим тебратиб алла айтдингиз.

Саҳар - шом тинмай парвариш қилиб,
Асқаржон деб менга исмимни қўйиб,
Бошимни силарлар эркалаб суюб,
Ҳатто ухламабсиз тунлари тўйиб.

Мана бугун бироз вояга етиб,
Онамнинг меҳнатин тушиниб етдим,
Қаламим ожизлик қилди ва лекин,
Арзимас шеъримни мен сизга битдим.

Тонгда жойнамозда қиласиз дуо,
Қилгингиз келади жонингиз фидо,
Мен учун қайгуриб бўлманг сиз адо,
Паноҳингда асра Онамни, Худо.

Отам билан турмуш гаштини суриб,
Уйимиз тўрини тўринг тўлдириб,
Биз фарзандларингиз камолин кўриб,
Бахтимизга бор бўлинг, омон бўлинг.

ТИЛАК

Кўнгилда қўрингиз бир қасри ҳайҳот,
Чиройи жаҳонни ҳайратга солсин.
Билсинлар бу қаср севгидан бунёд,
Ичи доим шодлик қувончга тўлсин.

Деворларин қилинг меҳрли нурдан,
Ёвузлик уруғи бўза олмасин.
Устунларин қўйинг ишончли сирдан,
Тун ортида гумон соя солмасин.

Томини орзудан ёпинг, орзудан,
Ушалсин истаклар, қилсин тантана.
Хазонли армонлар булутдек йиглаб,
Томчилар зарраси ҳеч тегмасина.

Дарвозасин сабр-у вафодан қуринг,
Истаб ҳам жафолар қадам босмасин.
Дераза ойнасин қувончдан қилинг,
Ғам деган қаро сўз ҳеч киролмасин.

Ёнсин-у ўчмасин, умид чироғи,
Зулматли сукунат жой ололмасин.
Асранг уни доим кўз қароғида,
Сарсон бўлиб вайрон ҳеч киролмасин.

Қасрнинг хонаси турфа хил ранглик,
Ҳукмрон бўлсинлар соғлик ва тинчлик.
Боқий қолсин абад доимий дўстлик,
Муҳаббат қасри деб атангиз уни.

Шу қаср султони ўзингиз бўлинг,
Тахтининг номини омад деб қўйинг.
Унутманг, тахтнинг тожи ҳам бўлур,
Бу тожни авайлаб бошларга кийинг.

ВАТАНИМ

Шеър битарман юрак бағримни тилдим,
Сенга фарзанд бўлиб, айт нима қилдим.
Онамсан дейману огиз тўлдириб,
Бир бора ҳолингни сўрмабман, билдим.

Онамсан дейишга асосим ҳам бор,
Вояга етказди мени шу диёр.
Мен эса ўглингман дейману сенинг,
Ҳа ярадиммикин корингга бир бор.

Отамсан кўрсатиб юрар йўлимни,
Қоқилиб йиқилсам тутиб қўлимни.
Камлик кўрмай яша бахтимни тилаб,
Дуога тўлдирдинг ўнгу сўлимни.

Йигирма ёшдаман ҳали навқирон ,
Келажагим бордир порлоқ нурафшон.
Хизматингда бўлиш дилимда менинг,
Орзуйим қўшишдир шавкатинга шон.

Сен менинг борлигим танамдаги жон,
Сен уфуриб оққан томиримда қон.
Асрайманда сени ёниб ҳар лаҳза,
Сен тинч бўлсанг мен ҳам бўламан омон.

Яхши-ёмон кунингда йўқлай, Ватаним,
Кўзим қароғида сақлай, Ватаним.
Меҳрли бағрингда умр ўтказиб,
Меҳрингни меҳрим-ла оқлай, Ватаним.

Х.га

Мукаммалдир сиздаги чирой,
Ҳижолат-ку осмондаги ой,
Сиздан ҳуснин олган ҳойнаҳой,
Бунча гўзал оҳу кўзингиз.

Сизга боқиб учди хаёлим,
Бахт ифторин қучди хаёлим,
Орзуйимда бисёр ҳилолим,
Мафтун қилди оҳу кўзингиз.

Нигоҳингиз жоним олгудай,
Борлигимга оғу солгудай,
Асирингиз қилиб олгудай,
Ақлим олди оҳу кўзингиз.

Нетардингиз сиз менга боқиб,
Нозли қалам қошингиз қоқиб,
Юрагимни ишқ ила ёқиб,
Пора-пора қилган ўзингиз.

Учратмадим сиздек гўзални,
Латофатда сиздан афзални,
Битар бўлдим шеърү газални,
Шоир қилди шаҳло кўзингиз.

Кўз-кўз қилиб ҳусн чиройни,
Уялтирманг осмонда ойни,
Дариг тутманг васли дийдордан,
Эркалайин сиз эркатоини.

ҚУТЛОВ

*Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
22 йиллигига бағишлайман*

Аввало тушмишдир Тангрим назари,
Буюк ва муқаддас замин гавҳари.
Дилдан қутлар Сени юртдошим бари,
Халқим қувонтирган улуг Ватаним.
Йигирма икки баҳоринг қутлуг Ватаним.

Она юртим Озод, Обод ва кўркем,
Эзгулик, гўзаллик азалдан ҳамдам,
Кўз тегмасин Сенга жонажон ўлкам,
Олам ичра ўчмас довруг Ватаним.
Йигирма икки баҳоринг қутлуг Ватаним.

Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Шукурки истиқлол қучилган шоним,
Асрай виждонимда мисли иймоним,
Бахт иқболи кулган, улуг Ватаним.
Йигирма икки баҳоринг қутлуг Ватаним.

Аждодлар бу кунни нечоғлик кутди,
Ўзбекистон номинг оламини тутди,
Паст назар қарашни дунё унутди,
Тилларда дostonсан, улуг Ватаним.
Йигирма икки баҳоринг қутлуг Ватаним.

Бағрингда улғайди юзлаб даҳолар,
Таърифга тил ожиз берсак баҳолар,
Тарих зарҳалида номи танҳолар,
Маърифат юксалган етук Ватаним.
Йигирма икки баҳоринг қутлуг Ватаним.

ҚИШЛОҒИМ

Мен бағрингда туғилиб ўсдим,
Сенда кўрдим ёруғ оламни,
Ҳам танидим Отам Онамни,
Юрмоққа шай, илк қадам босдим.
Болалигим ўтган қишлоғим.

Улғайибман аста ва секин,
Афсус эслай олмайман лекин,
Энди ортга қайтармикинман,
Дея дилда савол Қишлоғим.
Ширин, аччиқ хаёл Қишлоғим.

Ўйинқароқ ўтарди кунлар,
Кимдир илҳақ, кутарди тунлар,
Ечими йўқ сонсиз тутунлар,
Ширин дамлар дармон Қишлоғим.
Юрак тўла армон Қишлоғим.

Бир умрга қалбимда яшар,
Кетмас, яна соямга ўхшар.
Сўраб юрак, суягим қақшар,
Илк севгимни топган Қишлоғим.
Юрак торин чертган Қишлоғим.

Ўртанади соғинчдан бу жон,
Эҳ кетганда қўлимдан имкон,
Ер ҳам қаттиқ йироқдир осмон,
Хаёл сенда кезар Қишлоғим.
Юрак бағрим эзар Қишлоғим.

Муҳрланган ўчмас хотира,
Бир зумга тинч қўймайди сира,
Илк севгим-а, мени кечир-а,

Муҳаббатим қолган Қишлоғим.
Бор бисотим олган Қишлоғим.

Қўни - қўшни қавм-у қариндош,
Ёр-у дўстлар, азиз синфдош,
Пинҳон, ошкор, энг нозик сирдош,
Меҳрин дарё тутган Қишлоғим.
Йўлим пойлаб кутган Қишлоғим.

КЕЧИР ЁРИМ

Д.га

Бўйинг етиб совчи келди остонангга,
Ўзга йигит ёзилганкин пешонангга,
Яхши келин бўлгин энди қайнонангга,
Кечир ёрим, сенга борим беролмадим.

Ширин суҳбат сен-ла бир бор қуролмадим,
Кўчаларда қўл ушлашиб юролмадим.
Термулардим рухсорингга тўёлмадим,
Кечир ёрим, сенга борим беролмадим.

Тақдирингни боғлар бўлдинг кимлар билан,
Юз - кўзингни ювар бўлма намлар билан,
Яшаб ўтма бир умрга ғамлар билан,
Кечир ёрим, сенга борим беролмадим.

Сендан кўнглинг бирор бора сўролдимми,
Бармогинга тилло узук тақолдимми,
Уй тўрида таъзим ила кўролдимми,
Кечир ёрим, сенга борим беролмадим.

Келин бўлдинг оқ либосда ўлан билан,
Шеър битарман энди ожиз қалам билан,
Юрагимда ғаму андуҳ алам билан,
Кечир ёрим, сенга борим беролмадим.

Балки омад кулмадими билолмадим,
Ўз олдимга қўйган аҳдим қилолмадам,
Бир оғиз сўз сенга бахт ҳам тилолмадим,
Кечир ёрим, сенга, борим беролмадим.

Бутун умрим ўтар бўлди армон билан,
Юраманда чалажонли дармон билан,
Олиб кетди ўзга йигит ёр-ёр билан,
Кечир ёрим, сенга борим беролмадим.

БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Тўхтамасдан томирда қоним,
Омонатку жисмимда жоним,
Икки дунё бўлмай армоним,
Айирмагин илк севганимдан.

Севди юрак ўйламай азоб,
Борлигимга қўйдику тузоқ,
Ёр васли ҳам бўлди-я узоқ,
Айирмагин илк севганимдан.

Дил ороми мен излаганим,
Уни истар вужудим таним,
Ҳаёт, сендан истагим маним,
Айирмагин илк севганимдан.

Орзу йиғлаб, армон кулмасин,
Ҳеч бир ошиқ сарсон бўлмасин,
Чин муҳаббат бевақт сўлмасин,
Айирмагин илк севганимдан.

Чақнаб кетар тушганда кўзим,
Тилдан чиқмас дилдаги сўзим,
Тинч қўймайди хаёли бир зум,
Айирмагин илк севганимдан.

ЁМҒИР

Қишнинг аёзидан титраб қолган ер,
Тезроқ келса эди ёмғиржон ҳам дер.
Сен келиб заминга кўклам исин бер,
Ёруғ олам сени соғинди, ёмғир.


Кутар сени бог-роғ, тоғ-тошлар, қирлар,
Муштоқ сенга яйлов, дала, адирлар,
Сенда кўк сомсага тўлар тандирлар,
Бутун борлиқ сени соғинди, ёмғир.

Беғубор ёшлигимдайин покиза,
Илк севгимдек гўзал, майин, жозиба.
Илҳомли кун-тунда шеърлар ёзиб-а,
Мен сени соғиндим, азизим, ёмғир.

Сен келиб дилларга келади дармон,
Юз очиб орзулар, кетарми армон
Кўнгилга тўлдириб турфа хил гумон,
Губорларни ювгин, сеҳрли ёмғир

Жазирама иссиқ - ёз кунларини,
Хазонли бўлса-да куз кунларини.
Соғинамиз қишни қорли кунларни,
Сен ўзинг бўлакча соғинчсан, ёмғир.

Бир ёшга улғайдик, қаридик майли,
Сенга етганлар ҳам етмаганлар бор.
Сен келсанг қирларда хўп лола сайли,
Шукроналар айтай келганда ёмғир.



СИНФДОШ

Энг бегубор беозор дамлар,
Бирга бўлдик сен-ла синфдош.
Дея эсга олар одамлар,
Бир умрга хотиранг йўлдош.

Етмагандик мактаб қадрига,
Ўйинқароқ эканда ёшлик.
Етмабмиз ҳам Устоз қадрига,
Қар хил шўхлик турфа бебошлик.

Жонга тегди бу мактаб дердик,
Дарслардан ҳам гоҳ қочар эдик.
Энг гўзал, энг ширин дамларни,
Афсус энди, қўлдан бой бердик.

Қучоқ очиб кутарди ҳаёт,
Тарқаб кетдик ёш диллар ҳайрон.
Ёшлик хазон, илк севги барбод,
Энди бирга бўлишлар армон.

Қадринг билинди бу кун такрор,
Диллар сенга ошиқади зор,
Йўллар қараб кўзлар интизор,
Эҳ ўтган дам қайтмайди зинҳор.

Энг бегубор, беозор дамлар,
Бирга бўлдик сен-ла синфдош.
Дея эсга олар одамлар,
Бир умрга хотиранг йўлдош.

МУНДАРИЖА

Фарзандим дея кутган Ватаним.....	3
Қолди кўзим йўлга термулиб.....	3
Хўранда ноласи.....	4
Наҳотки айрилдик иккимиз.....	4
Қайдасан синфдош.....	5
Учратдиму сени қайдан.....	6
Оҳ ёшлигим.....	7
Шоир дея.....	8
Онажонимга.....	9
Тилак.....	10
Ватаним.....	11
Х.га.....	12
Қутлов.....	13
Қишлоғим.....	14
Кечир ёрим.....	15
Биринчи муҳаббат.....	16
Ёмгир.....	17
Синфдош.....	18

1700 с.м.

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Асқар ИСМОИЛОВ

СЕНГА БАҒИШЛАЙМАН БОРИМНИ, ВАТАН

Муҳаррир: Ю. Зиёдов
Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов.
Мусахҳиҳ: Ю. Зиёдов
Саҳифаловчи: Ш. Холмуродова.

Нашриёт лицензия № АІ 139, 27.04.2009 йил.
Теришга 5.07.2013 йилда берилди. Босишга
02.09.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108_{1/32}.
Baltica TAD гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет
усулда чоп этилди. Шартли босма табоғи 1,05. Нашр
босма табоғи 0,64. 82-2013-шартнома. 54-буюртма. 100
нуسخада. 20 бет. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси,
22-уй.